



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ЖАМИЯТ

№ 41 (676)
2019 йил
25 октябрь,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета



2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru

Ушбу сонда:

Ўзбек тилининг
шону шавкати

Менинг баҳом
«икки»!

Суд жараёни
шоу эмас!

«Чап чўнтаги»ни
уйлаганлар

Ўзликни англаш
туйғуси

Компьютердан
китобни яхши
кўраман!



Бешикдан то қабргача... ёхуд коррупция пиллаоялари



ҚИСКА
САТРАЛДАРДА
ЎҚИҢ!

Президентимиз 24 октябрь куни Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналишида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

Ўзбек тилининг шону шавкати

«Мен бугун «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекдим. Унга биноан «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган куннинг улкан тарихий ўрни ва аҳамиятидан қелиб чиққан ҳолда, 21 октябрь санаси юртимизда «Ўзбек тили байрами кuni» деб белгиланди!»

Мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллигига бағишланган тантанали маросимда ана шу сўзлари янграган чоғи пойтахтимизда эндигина куриб, ишга туширилган ва илк бор бир неча минг меҳмонни бағрига олиб турган Халқаро Конгресс марказининг ҳашаматли саройи қалқиб кетгандек бўлди. Улувдор қошона бахтиёр қалбларнинг туб-тубидан қайнаб-тошиб чиқаётган шодиена туйгулар жарангига қарсақлар тўфонига кўмилиб кетди. Чехралар севинчдан ловуллади. Ҳамма хурсанд, бахтиёр. Мен ҳам суюнчлар ичимга сиғмай атрофга боқман. Ёнгинамда академик мусаввир Акмал Нур қўлларини кенг ёзган кўйи шу қадар шавқ билан қарсақ чалаптки, ҳозир бир сўз десанг, нақд учиб кетадигандек! Изатли олим ва таниқли жамоат арбоби Оқил Салимов қарсақ чала туриб, сафдоши Исмоил Жўрабековга алланималарни уқтиряпти. Козим Тулаганов эса Бахтиёр Сулгановга бир нималар демоқда. Сал нарида турган Иброҳим Гафуровнинг кўзларида ёш ялтирагандай...

Рост, бундай шухуҳли дамларда беҳаяжон туришнинг мутлақо иложи йўқ. Қалбида миллатига, юртига, муқаддас она тилига муҳаббати мавжуд одам борки, ҳаяжонсиз туролмайди. Ёшу қари, бутун миллат, бутун Ўзбекистон — рўй-у раийят, ҳамма-ҳамма — неча йиллар мобайнида интиқиб кутган эди-да, ахир, бу лаҳзаларни. Гарчанд, она тилимизга давлат мақоми берилганидан бери орадан ўттиз йил ўтган эса-да, асло сир эмас, кўп жойларда унинг қадди-басти ҳали-ҳануз ночор, чехраси

сўлгин, эгни қисққ эди. Ўз уйида бошқа тилларга эгилиб, салом бериб туришларига ҳам кўникиб қолгандик, ҳатто.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигига бағишлаб ўтказилаётган тантананадаги маърузасида айтилган юқоридаги хушхабар, яъники, 21 октябрни юртимизда «Ўзбек тили байрами кuni» деб эълон қилиниши, шунинг учун ҳам муаззам саройдагиларни қалқитиб юборди.

Тўғри-да, илдизи Ўрхун-Энасой битикларидан ҳам нарига ўтиб кетган, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби юз-юзлаб улуг даҳоларни дунёга берган, Ер юзидаги энг қадимий тиллар қаторидаги ўзбек тилимизни бугундан эътибо-



ран ҳар йили катта байрам қиламиз-у, тўлқинланмай бўладими?!

Бунинг устига Президентимизнинг «Ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан



ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонини айтмайсизми?! Матбуотда эълон қилинган бу ҳужжат ҳам чин маънода тарихийдир. Унда ўзбек тилининг ўмганини кўтарувчи жами саволу муаммоларнинг жавоблари топилиб, жой-жойида кўрсатиб берилганки, мана бунинг энди ҳеч беиштибоҳ бутун миллат қалбида анча йиллардан бери ушалмай армон бўлиб келаётган эзгу ниятларнинг афиф аъмоли, деса арзийди.

Энди она тилимизнинг бугуни, эртаси, олис келажак билан шуғуллангани, унинг тақдирига жавоб берадиган масъул идора — Давлат тилини ривожлантириш бўйича алоҳида тузилма ташкил этилади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда ташкил этиладиган мазкур тузилма давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини доимий равишда назорат қилади, соҳага доир муаммоларни таҳлил қилиб, ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлайди. Тилимизнинг мусаффолигини сақлаш баробарида, глобаллашув шароитида лутфимизга кириб келаётган фан-техника-ю, бошқа

соҳаларга оид янги тушунчалар, сўзлар ва ибораларнинг ўзбекча замонавий муқобилини топади. Шу муносабат билан янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш борасидаги ишларни

тартибга солувчи Атамалар комиссияси тузилади.

Фармонда ҳозир юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳлиноқ умргузаронлик қилиб келаётгани, уларга ўз она тилини, урф-одат ва қадриятларини ривожлантириш учун ҳам мислсиз ғамхўрликлар қилиш лозимлиги кўрсатилганки, Ўзбекистоннинг бундай бағри кенглик сиёсати ўлка-миздаги барча ватандошларимизга олам-олам қувонч бағишлайди.

Яна бир муҳим масала, тил тўғрисидаги амалда бўлган қонун ҳам бугунги кун талабларига тўла мос келмаслиги, уни такомиллаштириш зарурлиги ҳам фармонда таъкидланган.

Аёнки, ҳаёт бугун давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида она тилимизнинг мавқеини оширишни талаб қилаётди. Хусусан, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, медицина, ҳарбий соҳа, банк-молия, юриспруденция, фундаменталь тадқиқотлар каби яна кўплаб тармоқларда ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш биринчи галдаги вазифа бўлиб турибди. Бундан ташқари, дарсликлар, луғатлар, сўзлашув қўлланмалари, ўзбек тилининг компьютер дастурларини, электрон луғатларни, онлайн дарсликларни яратиш, жой номларини белгилаш, маънавий-маърифий ёт мазмун ва шакллардаги турли-туман реклама ҳамда давраларни хорижий тилларда акс эттиришга йўл қўймаслик каби юмушларни қай йўсинда амалга ошириш йўллари ҳам фармонда кўрсатиб берилган.

Ўзбекистонимиз яқингинада Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлиб кирганида миллион-миллион ватандошларимиз қатори мен ҳам фахру ифтихорга тўлган эдим. Муҳтарам Президентимизнинг ўзбек тилининг шону шавкати бағишланган тарихий маърузаси ва фармонидан кейин бутун миллатнинг кўкси тоғдай кўтарилди. Илло, тил — жумлаи жаҳоннинг ҳамма мамлакатларида миллатнинг суянч тоғидир.

Абдусайд КҮЧИМОВ

Жорий йил талаба ёшлар учун ҳақиқий синнов даври бўлди. Тўлов контракт миқдорининг ваъдадан кўра кўпроқ оширилиши, стипендиянинг баҳолар кесимида эмас, бир хил — 400 минг сўм миқдоридан белгиланиши бўлажак зиёли ёшлар ўртасида кескин норозилик келтириб чиқарди.

Бу табиий. Ёшларнинг эътирозлари тўлиқ асосга эга. Чунки улар номардлик қилишмади. Кўплари яхши ўқиди, изланди, интиқиди, талабалик ваъдасини бажарди.

Муҳокамалар авжида пайти норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига қўйилган ва шу йил 23 сентябрдан 6 октябргача муҳо-

кама қилинган «Олий таълим муассасалари талабаларига стипендия тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси бўйича ҳамон қарор қабул қилингани йўқ. Нима учун? Бу лойиҳа бўйича дедри барча тақлиф ва муносабатлар салбий экани билан боғлиқми ёки шунчаки маълум вақтгача ёшларнинг ҳовурини босиш учун қилинган чалғитувчи «манёврми»?

Шунча эътироз, шунча овоз, шунча саволларни кўриб туриб, танаси бошқа дард билмас, деганларидек талабаларнинг бугунги қийинчиликларини бошидан ўтказмаётган, ўз даврида қўлай шароит, имтиёз ва керак бўлса, контракт тўловсиз олий таълимда таҳсил олиб, бугун бу каби қарорларни ишлаб чиқишда мутахассис бўлиб ўтирган кишилар узоқ вилоятдан йўл ҳақига аранг пул топиб ўқиётган ёшнинг дардини қаёқдан ҳам билсин, деган хулоса пайдо бўлмоқда. Худди шундай: олий таълим масъуллари талабаларнинг «совуғини

емаган», ёшларнинг дардини тушунмайдиган ҳиссиз кишилар экани кундан-кун ойдинлашмоқда. Яна билмадим.

Нон нархи ошган шу кунларда айрим олий ўқув юрларида яхши ўқиб, яхши стипендия олиб яшаган талабалар эндиликда 400 минг сўм стипендия етмаётгани боис, «тирикчилик» дардида

дарс қолдириб «нб»чилар сафига қўшилиб бораётганини эшитиб, асаблар таранг бўлиб бормоқда. Эртага бу «нб» сабаб унинг талабалар сафидан чиқмаслигига, уни ёпиш учун домлага топганини қистирмаслигига, эшикма-эшик сарғайиб, билмсиз кадр бўлмаслигига ким кафолат беради? Инновацион гоялар, тақлифлар бисёр бир вақтда нахотки, «домлаларнинг аҳволини яхшилашнинг бундан бошқа йўли йўқ.

Нима бўлганда ҳам бу келажак эгалари — ёшлар олдида инсофсизлик, адолатсизлик, бефарқлик ва нотенглик-

Депутат фикри

нинг яққол кўриниши бўлди.

Бир ҳақиқатни унутмайлик: токи шунча эътироз ва дардини айтган ёшларга қўлоқ тутмас эканмиз, улардан ватанпарварликни талаб қилиб, яхши ўқишга, юрт келажак учун виждонан

Менинг баҳом «икки»!

меҳнат қиладиган кадр бўлишга даъват қилишга ҳам ҳақимиз йўқ. Буни ёддан чиқармайлик.

Парламент ва масалага бефарқ бўлмаган барча даражадаги халқ вакиллари депутатлар, фаоллар эса олий таълим масъулларининг бу ишларини юқори даражада муҳокама қилиб муносиб баҳо бериши шарт.

Менинг баҳом эса «икки»!

Расул КУШЕРБАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты



Оммавий ахборот воситаларининг вакиллари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш-га доир барча тадбирларни ёритиш, сайлов кuni овоз бериш биноларида, шу жумладан, овозларни санаб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга.

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби туризмни ривожлантириш, чет эллик меҳмонларни юртимизга ташрифни рағбатлантириш каби йўналишларда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Қонун лойиҳаси нега қайта номланди?

лари кенг ўтказилаётган бир пайтда, айрим ҳолатларда ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда она тилимиздан самарали фойдаланмаётганимиз ажабланарли. Ушбу ҳолатни мазкур қонун лойиҳаси номланишида ҳам кўришимиз мумкин.

Қонун лойиҳаси номида «Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлик учун» ибораси мавҳум, тушунарсиз бўлиб қолган. Бойси «бўлиш» сўзидан жумла тузишда ҳар хил маънода фойдаланиш мумкин. Яъни уни ҳам «муайян жойда бўлиш», ҳам бирор нарсани «тақсимлаш» маъносига қўлласа бўлади.

Шу маънода, узок тортишувлардан сўнг, депутатлар «Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш

қоидаларини бузганлиги» сўзлари олдида «Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг» ибораси қўшилиши қонун лойиҳасининг мақсадини янада аниқ очиб беради, деган қарорга келинди.

Шундай қилиб, мазкур ноаниқлик Қонунчилик палатаси депутатларининг таклифларига асосан ўзгартирилиб, «Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлиги либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Рес-

публикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» дея қайта номланди.

Бу парламент томонидан мамлакатда ҳар бир қонун, ҳар бир ҳужжат, аввало, давлат тили қоидаларига ҳар томонлама мос келиши лозимлиги, икки хил маъно касб этмаслигига, ҳуқуқий коллизияларга йўл қўйилмаслигига эришишга катта эътибор қаратилаётганининг яна бир амалий исботидир. Шунингдек, қонунчилик ташаббуси ҳуқуққилан фойдаланиб, парламентта қонун лойиҳаларини киритаётган нуфузли субъектлар ҳам эътиборни кучайтирсалар нур устига аъло нур бўлар эди.

Энди навбатдаги вазифа Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларини тўғрилашдир.

Шерзод ТЎХТАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Куни кеча Олий Мажлис Сенатининг XXIII мажлисида маъқулланган «Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлиги либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси билан хорижликларга мамлакатимизда бўлиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик бир мунча енгиллаштирилди.

Бу эса қадим-қадимдан барча Шарқ халқларида бўлгани каби ўзбек миллатида ҳам меҳмондўстлик муҳим ҳаётий қадрият экани, юртимизда инсонпарварлик, бағрикенглик тамойиллари устунигининг яна бир далилидир.

Ушбу қонуннинг мақсади, вазифаси, гоёлари яхши, албатта. Бироқ унинг номи даставвал,

ўзбек тили қоидаларига мос тушмаслиги аниқ эди. Сабаби лойиҳа қонун ташаббускори томонидан, Ҳукумат орқали, шунча босқични босиб ўтиб, Қонунчилик палатасига киритилганида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни либераллаштиришга қаратилган ўзгартишлар киритиш тўғрисида» дея номланган эди.

Қонун лойиҳаси масъул кўмити, фракциялар ва депутатлик гуруҳида дастлабки муҳокамадан ўтказилганида ундаги нормалар, қонунчиликдаги енгилликлар алоҳида эътироф этилган бўлса, лойиҳанинг номланишига бир қатор эътирозлар билдирилди. Яъни ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда тил байрами тадбир-

Суд жараёни шоу эмас!

Айни пайтда парламент куйи палатасига киритилган қонун лойиҳаларидан бири одамларимизни ўйлантирадиган масала — суд мажлисини радио, телевидение ва интернет орқали онлайн, яъни тўғридан-тўғри трансляция қилишга қонун билан йўл беришни назарда тутди.

Бироқ бу каби тажриба бирор-бир мамлакатда йўқ. Бу орқали судьяларимизнинг шахсини ҳам хавф остига қўймаймизми? Қайсидир маънода, профилактик аҳамият касб этади, деб ўйлаганимиз эртага акси бўлиб чиқса-чи? Афуски, қонун ижодкорлари ва мутахассислардан бу каби қатор саволларга жўяли жавоб ололмадик. Демак, ҳали бу пишиб етилмаган, чуқур таҳлил этилмаган гоёга ўхшаб кўринаяпти.

Масалан, «суд мажлисини тарафларнинг мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, онлайн трансляция қилишга фақат суд мажлисида раислик қилаётган судьянинг рухсати билан йўл қўйиладими», деган норма нимани аниқлатади? Розилик деганими ёки бошқа нарсани? Ҳатто, жиноятларнинг тоифалари ҳам аниқ ажратилмаган. Ўта субъективликнинг ўчоғига айланиши мумкин.

Шундай экан, ҳар қандай ҳолатда ҳам бу каби жиддий масалаларда ҳамиша етти ўлчаб, бир кесган маъқул, назаримизда.

Акмал РАҲМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



Суд жараёни тўғридан-тўғри оммага ҳавола қилинса, тарафларнинг дарди дастурхон этилса, шаън, қадр-қиммат, конституциявий ҳуқуқ ҳисобланмиш дахлсизлик деган нарсалар, қолаверса, ҳолислик қандай таъминланади? Миллий қадриятларимизга путур етмайми? Фарзандларимиз руҳиятига қанчалик таъсир қилади? Ҳали бунга ғурсат эрта эмасми? Айни масалада хорижда қандай йўл тutilган? Самараси ва натижаси қанчалик, оқибати салбий эмасми?

Халқ вакиллари — депутатларни ўйлантираётган бу каби саволлар ҳозирча жавобсиз, очиқ қолмоқда.

Ҳар қандай соҳа каби одил судловнинг ҳам асосий хусусиятларини ёритиб берадиган раҳбарий ва бирламчи қоидалари — асосий тамойиллари бор. Бу тамойиллар йиғиндиси одил судловни ҳуқуқий тартибга солишда ва амалга оширишда муҳим қалқон, пойдевор ҳисобланади. Бундан четга чиқиш нафақат шаклга, балки моҳиятига ҳам путур етказиши мумкин.

Одил судлов тамойиллари хусусияти шундаки, унда белгиланган қоидалар

барчага тааллуқли. Ҳатто, қонун чиқарувчи органлар ўз фаолияти давомида демократик талаблар ҳамда анъаналар қатори ушбу тамойилларга ҳам амал қилиши лозим.

Қонунчилик палатасига яқинда келиб тушган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига судлар фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси суд ишини юритиш ошқоралиги ва аҳолининг одил судловдан фойдаланиш даражасини оширишда ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўлланилишини таъминлаш билан боғлиқдай кўринади. Аслида-чи?

Тадбир

«Орзу қилинг, диққатингизни жамланг ва ҳаракат қилинг!»

Пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида 9-битирув маросими бўлиб ўтди.

Жорий йилда институтнинг 712 нафар битирувчиси банк ва молия, бизнес ва маркетинг, бизнес бошқаруви, халқаро туризм каби қатор соҳаларда бакалавр даражасига эга бўлди. Шунингдек, 40 нафар талаба молия, маркетинг, таъминот занжири бошқаруви йўналишларида бизнес бошқаруви бўйича магистрлик даражасига эришди.

«Орзу қилинг, диққатингизни жамланг ва ҳаракат қилинг!» шiori остида ўтган бу галли маросим талабаларнинг ютуқларини тўлиқ акс эттира олди. 2007 йилда очилиш маросимидан буён институт икки ярим минг нафардан зиёд мутахассис тайёрлади.

Ўтган йиллар давомида институт халқаро таълим стандартларини жорий этиш, йўналишлар сонини кенгайтириш ва битирувчиларнинг иш билан таъминланиши бўйича катта ютуқларга эришди. Бунга сифат бошқарувининг ИСО 9001:2015 халқаро стандартига лойиҳа қўрилгани исбот. Шунингдек, статистик маълумотларга кўра, битирувчиларнинг 90 фоиздан ортиги тижорат банклари, давлат ва хусусий ташкилотлар, республикамиз ҳудудда фаолият юритаётган чет эл корхоналарида ишлаб келаётгани ҳам фикримизни тасдиқлади.

Даврон АҲМАД,
«Жамият» мухбири



ҚИСКА САТРАЛДАРДА УҚИҒИ

Оҳангаронда чорвачиликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилади.

Водий вилоятларидан бирида кулоғимга бир гап чалинди. Раҳбарлар мактаб ўқитувчисини пахта теримига боришини айтибди. «Мен дарс ўтишим керак-ку» деса, «Тўғри, ўқитувчиларни дала ишларига жалб қилиш мумкин эмас, текширувчилар сўраса, «Мен фаррошман» деяқолинг» дейишибди. Ахир, олий маълумот олиш учун шунча ўқиган бўлсам, қанақасига фаррош бўлай, дея унамабди. Хуллас, муаллимни теримга юбора олишмабди.

Нима бўлибди, дейсизми? Замон талабларини тўғри тушунган ўқитувчи ўзлигини тўла англагани учун асосий фолиятидан чалғимабди.

Ўзлики англаш. Ҳозирги пайтда нақадар муҳим, ҳаётини тушунча. Инсон нималарга қодир эканини тушунганда қанчалар қанча юмушлар адо бўлади. Афсуски, «Биз кичкина одам» деса атрофдаги воқеаларга шунчаки томошабин бўлиб юрганлар оз эмас.

Биз буюк ўтмишимиз билан ҳамиша фахрланамиз. Лекин фақат фахрланганга ош пишмайди. Модомики, ўтмишимиз, аждоларимиз буюк экан, уларнинг қони томирларимизда уриб тургани рост. Шунини билдан ҳис қилайлик, улуг боларимизга муносиб бўлайлик.

Бу ҳаётда катта-кичик ташвишлар билан елиб-юграмиз, нимагадир улграмиз, баъзан кеч қоламиз. Оёғимиздан тортадиган турмуш ташвишлари шу қадар кўпки, баъзан ҳаётдан мақсад нима эканини унутиб қўямиз...

Оқшом атрофга тун пардасини ёйганда бир лаҳза ўйлаб кўрайлик: Мен бугун одамларга нима яхшилик қилдим, бирор инсоннинг ҳожатини чиқардимми? Савоб ишлар хирмонини кўпайтирдимми? Ўзи одамдан нима қолади? Ҳаётдаги из эзгу ҳаракат натижаси эмасми? Шу саволларга ажибий жавоб берсангиз, кўнглингизда қониқиш туйғуси пайдо бўлиши мумкин.

Юртимизга сайёҳлар оқими тобора кўпаймоқда. Ер юзининг турли нуқталаридан келадиган хорижий сайёҳлар нима хоҳлашади? Улар бу ёруғ оламда инсоният яратган мўъжизаларни ўз кўзлари билан кўришни исташади. Бундай зиёратлар инсон ҳаётига мазмун бағишлайди. Хўш, биз-

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ТУЙҒУСИ

инсон имкониятларини тўлиқ намоён этади

нинг Ўзбекистонимизда туғилиб, шу заминда яшаётган юртдошларимизнинг ҳаммаси кўз ўнгимиздаги зиёратгоҳларда бўлишганими? Ҳатто кўшни туман, кўшни вилоятларда туриб, саёхатга чиқмаганлар қанча.

Аслида, Ватаннинг ҳар қаричи муқаддас. Фақат у тупроқни кўзга суртиш, дил-дилдан севиш керак. Шу йил ёзда Зоминдаги санаторийда дам олганимизда Хўжамушкент ота зиёратгоҳига бордик. Қўшни Тожикистон ҳудудига тўташ бу маскан Яратганининг инояти билан ям-яшил оролга қиёслаулик. Муқаддас қадамжони зиёрат қилдик. Ниятбулук деган гўшада тепадан томчилаб тушаётган сувга юзимизни ювдик. Шунда ҳар ким чин кўнглидан ният қилиши мумкинлиги айтилди. Ҳамроҳлардан қандай ният қилинганини сўрадик. Ҳаммада бир хил: Ватанимиз тинч-осойишта, гуллаб-яшнаши, мустақиллигимиз мустаҳкамланишини ният қилишганини айтишди. Демак, юртдошларимизнинг ниятлари муштарак.

Ўқитувчи ва мураббийлар куни юртимизда ажибий нишонланди. Ўзбек халқи устозини ҳамиша юксак қадрлаб келган. Бу байрам эса меҳри дарё инсонларга муҳаббатимиз экисиз эканлигини яна бир бор намоён этди. «Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак». Президентимизнинг бу қанотли ибораси чин маънода ҳикматга айланди. Ўқитувчи ёш авлодга билим беради. Энг муҳими, бу иш меҳр билан рўёбга чиқади. Шунинг учун устоз-муаллимга таъзим қилишимиз керак, уларнинг эзгу ниятларини ижобат бўлишига интилишимиз зарур.

Халқимизнинг бебаҳо қадрияти — устозга, ёши улуг инсонларга ҳурмат-эҳтиромда бўлиши Ватанимиз эртаси учун хизмат қилгани қандай яхши. Ҳали эслаганим — Зоминдаги санаторийда Ўзбекистоннинг энг эъзозли фахрийлари билан суҳбатлашимиз насиб этди. Эҳ-ҳе, бу қарияларнинг ҳар бири алоҳида хазина. Уларнинг жозибали гурунглари ҳаётимизга олам-олам мазмун бахш этди. Ўзбекистон тарихида ягона Давлат котиби лавозимида ишлаган Раҳим Ражабовни ким танимайди? Биз узок йиллар бу инсоннинг суҳбатига орзуманд бўлиб юрардик. Тақдир туну кун шу одам билан ҳамнафас бўлишни насиб этди. Агар «Ахборот»да техника воситалари намойиш этилса, Раҳим ота уларнинг русуми, қаерда йиғилганигача айтиб берадилар.

— Ҳаётини давомиди кўп

нарсаларни кўрдим, — дейди отахон. — Лекин ҳозиргидек ажибий, роҳатбахш замон бўлган эмас. Шуниси қувончлики, бу юртда нимага ҳаракат қилсанг, ҳаммаси инсон учун, ўз Ватанимиз учун. Буни қадрига етиш керак. Ҳамма ўз ўрнида зиммасидаги вазифани виждонан, ҳалол бажарса, аввало, халқ олдида, Ватан олдида юзи ёруғ бўлади.

Кеча Раҳим Ражабов билан яна учрашдик. Бирга дам олгандан кейин одам қадрон бўлиб қоларкан. Ахволларингиз қалай, деб сўрадик.

— Кайфиятим аъло, — деди суҳбатдошимиз. — Боксчиларимиз жаҳон чемионатига галаба қозонгани бутун халқнинг кайфиятини кўтарди. Ахир Ер юзининг ҳамма жойидан келган вакиллар Ўзбекистонга тан беришди. Мустақиллик даврида турилган йигитларимиз нималарга қодир эканини ҳалол кўрсатди. Голиб боксчиларимиздаги куч-қувват ҳар бир ўзбекистонлик вужудига ўтгандай бўлди. Биргина шу галабадан пайдо бўлган гурур бошқа соҳалдаги кўрсаткичларимизни ҳам юқори маррага кўтарди. Биласизми, боксчиларимизга нима куч берди? Аввало, улар ортида Ватани, Президенти, ота-онаси, халқи турганини ҳис этишди. Демак, улар ўзлигини дил-дилдан англашган. Бу туйғу инсон имко-

ниятларини тўлиқ намоён этади.

Машаққатли тўсиқларни енгиб ўтган, чин галаба нима эканини англаган инсоннинг хулосаси бу.

— Сиз, матбуот ходимларига эътирозим бор, — дейди Раҳим Ражабов. — Ишлаб чиқаришда эришилган ютуқларни пафос билан ёзасизлар. Ахир, ҳар қандай ижобий натижага осонликча эришилмайди-ку. Ўша жараённи очиб бериш керак. Одамларда ислохотлар муваффақиятига ишонч уйғотиш лозим. Шунини билингки, ортиқча мақтос ҳеч қачон ишга ёрдам бермайди. Халқимизга рост ахборот керак. Яқинда «Дарракич» газетасида қайси бир журналист менинг номимдан ўзим айтмаган гапларни ёзиб юборибди. Ўқиганлар эътироз билдиришди. Ҳайронман. Ҳаммага тушунтириб чиқолмайман-ку.

— Ҳозирги ислохотларнинг бориши ҳақида фикрингиз қандай? — сўраймиз у кишидан.

— Биз, фахрийлар янгилаган Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни бутун вужудимиз билан қўллаб-қувватлаймиз. Президентимиз белгиланган вазифалар ижросига айрим қатлам эмас, балки ҳамма бирдай киришиши керак. «Ватан менга нима берди демасдан, мен Ватанга нима

бердим?» деган савол ҳақида ўйлашимиз лозим. Бунинг учун ҳамма, шу жумладан катта-кичик раҳбарлар ватанпарвар бўлиши даркор. Бу гаплар асло балиндпарвоз сўзлар эмас. Ватанини севаган одам оила-сини, халқини, юртини севади. Ўзлигини англаган одам шундай бўлади. Ўзбекистон катта марраларни кўзлапти. Шунга муносиб бўлишимиз керак. Масалан, Хитойда бир нафар фуқаро бир соатда мамлакат яқин ички маҳсулотига 7.4 юань миқдорига ҳисса қўшиши ҳисобга олинди. Биз ўзимиз бир соатда қанча улус қўшишимизни биламизми? Шундай статистика ҳақида эшитганимиз йўқ.

Бундан беш аср муқаддам Алишер Навоийнинг «Эл неби топқай мени ким, мен ўзимни топмасам» деган сатрлари бугун ҳам долзарблигича қолмоқда. Ўзлигини англаган инсон ўз тақдирини ўз қўли билан бунёд этади, ҳаётга танқидий нигоҳ билан назар ташлаганлиги учун ўзини назорат қилади. Бу туйғу чинакам ватанпарвар, халқпарвар инсонларга хос. Уларнинг сафи кенгайгани сайин Ўзбекистон кудрати юксалаверади.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

Эълон

«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

2019 йил 25 ноябрь куни соат 11:00 да Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқасида бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Сурхондарё Агрокимёҳимоя» ҲАЖ тизимидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда.

1. Қизирек туман «Қорасув» маҳалласи ҳудудига жойлашган умумий ер майдони 0,7095 га бўлган Омборхона биноси ва иншоотлари:
Бошланғич баҳоси: 19 000 000 сўм.

2. Шеробод туман «Бойқишлоқ» маҳалласи ҳудудига жойлашган умумий ер майдони 0,33 га бўлган Минерал ўнгит сақлаш ва тарқатиш биноси:
Бошланғич баҳоси: 31 000 000 сўм.

3. Олтинсой туман «Янгиариқ» маҳалласи ҳудудига жойлашган умумий ер майдони 1100,00 кв.м бўлган Омборхона биноси:
Бошланғич баҳоси: 5 000 000 сўм.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, 2019 йил 22 ноябрь соат 18:00 гача ҳар куни

(дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқаси, соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Юқоридеги мулклар 2019 йил 25 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ёки савдо голиби белгиланган муддатда шартнома имзоланган бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартлари бажармаса, такрорий аукцион савдоси 2019 йил 10, 25 декабрь ва 2020 йил 8, 23 январь 10, 25 февраль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Савдода иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар объектлар билан Сурхондарё вилоят «Агрокимёҳимоя» ҲАЖ масъул ходимлари орқали танишишлари мумкин.

Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) календар кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва шартнома тузилган санадан бошлаб томонлар келишувига асосан мулкнинг сотилиш ҳолатини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истигани билдирган жисмо-

ний ва юридик шахслар закалат келишувни тузилгандан кейин, объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизи миқдорига «SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖнинг ХАБ «Траст банк» Термиз филиалидеги (МФО:01063. ИНН:304558702), 2020 8000 3007 1118 3001 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари ва закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга кўйилган ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

Жисмоний шахслар: фуқаролик паспорти, СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами);

Юридик шахслар: Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар воқолатли шахс қатнашса, уриштирилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда. СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами).

Мурожаат учун манзил:
«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқаси.

Телефон: (76) 223-77-83,
Хизматлар лицензияланган. Лицензия RR-0291.



Эндиликда газ бўлмайдиган ҳудудларда аҳоли кўмир маҳсулоти билан узлуксиз равишда таъминланади.

Бешкадан то қабргача... ёхуд коррупция пиллапоялари

Оқ халатнинг иккита чўнтаги бежиз тикилмаган

— Эна, мана, олинг, «суюнчи», деб келса берасиз.
— Бериб қўйдим, болам, бердим.
— Пулингиз бормиди?
— Пул қайда, болам, ўзим ёшган сутли нон билан бултурги гўлин ўриб туршагидан бердим. Келиним эсон-омон қутулиб олса, бир сиқим асраб қўйган сояки майизданам келтириб бераман.
— Соддасиз-да, энажон. Бу ер сизнинг қишлоқмас. Ахир, оқ халатнинг иккита чўнтаги бежиз тикилмаган...

«Юзта сиз-биз»дан битта «жиз-биз» яхши

Икки дугона учрашиб қолди.
— Кўз тегмасин, ўглингиз русчани аввалгидан анча тузук гапиряпти. Кўшимча тўгаракка бердингизми?
— Йўқ, тарбиячисига байрамларда совға-саломни қанда қилмаёпмиз. Олдинга шундайгина илтимос қилиб кўрдик, бўлмади. Йўқ дейди, лекин бажармайди. Барибир эътибордан четда қолаверди. Юзта «сиз-биз»дан битта «жиз-биз» яхши экан. Кўриб турибсиз, ҳозирча натижа ёмон эмас.

Сотувчининг ўзи берибди

Даласи маҳсулот назорати идорасида ишлашни билмайдиган бола онасига:
— Ойи, музлатгичда қолбаса тугамасаям нега далам яна сотиб олибди?
— Сотиб олмади, ўғлим, магазинчи амакиннинг ўзи шунчаки бериб юборибди...

Харажатсиз ҳаракат ногла тенг

«Тажрибали» банк ходими янги ишчига:
— Сиз мижоздан пул-мул сўраб қўйманг тагин. Огоҳлан-тириб қўйиш менинг бурчим: битта-ярымта хом иш қилиб, мени «подвалит» қилманг, дейман-да. Ҳозир ким кўп, «ёзувчи» кўп. Кейин тadbиркорлар ҳам ҳуқуқини билиб қолган. Эҳтиёт шарт-да. «Сизга кредит берилди-ю, фақат яна озгина муддат кутасиз, илож қанча?», десангиз, фаросатли, дингал тadbиркор мақсадга кўчади-кўяди. Вақтини кетказиб қутиб ўтиргандан кўра, нақди билан ишни битказадиганлар ҳам оз эмас. Улар харажатсиз ҳаракат ногла тенглигини сизу биздан-да яхши билади...



Ўқишингни гаплашиб қўйганман

Ота ва ўғил суҳбатидан:
— Уерда ўқимайман. Дизайнер бўлмоқчиман.
— Эй бола, юрасанми қоғоз-қалам кўтариб?! Кўзингни катгароқ оч, бу туришда қосанг оқармай ўтиб кетасан. Мен ўқишингни гаплашиб қўйганман...

Ёзмасам бўлмайди, хув анави ерда камера бор

— Қойдани буздингиз, ука. Таққлаш белгисини кўриб турибсиз-ку!
— Командир, шошиб тургандим, узр, энди бошқа қайтарилмайди.
— Йўқ, ҳужжатларни беринг, ёзмасам бўлмайди.
— Паспортнинг ичига қаранг, ҳамма «ҳужжат» ўша ерда...
— Қани, беринг-чи... Майли, бир сафар кечиранман. Хавфсизлик камари тақилмаган, деб ёзиб бераман. Ёзмасам бўлмайди, хув анави ерда камера бор...

Сессияда ҳаммаси ойдinлашади

Юқори босқич талабаси билан янги талаба суҳбатидан:
— «Иқтисод» сал инжирроғ-у, аммо ўқисанг, қўйиб беради. «Олий математика»дан дафтарларинг ҳаминша жойида бўлсин. Ҳар дарс битталаб текширади. «Социология»дан иложи бўлса, «нб» туширма. Унданам астойдил ўқисанг, вазибаларини вақтида топширсанг, баҳо оласан. Ўртага та-

ниш-билиш тиқиштирма яна. Баҳосиз қолиб кетасан-а!
— «Кимё»ни айтмадингиз-ку?
— Буни сессия пайти «староста»нинг ўзи айтади.

Уларнинг оғзини мойлаб турмасак бўлмайди-да

Сотувчи нарх кўтарилганидан нолиган харидорга:
— Биз ҳам нима қилайлик, ҳалигина патанинг пулини берворлик, ҳозир қарасак, бозорком вакили келиб турибди. Вақт-вақти билан уларнинг оғзини мойлаб турмасак, жойсиз қоламиз. Бу жойга кўз тикиб турганлар қанча? Шунини ҳисобигаём меваларга қўшимча нарх минади-да, ака. Тирикчилигимиз фақат шунинг орқасидан бўлса...

Коррупция ботқоғининг чегараси қаерда тугайди?

Аксариятимиз таниш ҳолатлар, шундай эмасми? Ёзиш қанчалар оғир бўлмасин, тириклик чоғиёқ (умринг қачон ва қаерда яқун топиши мавқумлигини билиб туриб) қабрнинг яхши жойдан, оиласининг шажараси ёнидан бўлиши учун ҳам олдиндан анча-мунча маблағ тикилаётганини эшитиб, ёқа ушладим. Икки дунё оралиғида турган энг сўнги манзилни пуллаш савдоси қачон урфга кириб улгурди экан? Пораҳўрлик ва коррупция ботқоғининг чегараси қаерда тугайди? Одамларнинг барини тортиб кетишини

кутиб яшаш керакми ё? Билмайман.

Мен билган биргина йўл бор. Гарчи бу гап айримларнинг виждон қитғига тегиб кетиши, баъзилар учун дунёни ўзгартириб юборадиган янгилик бўлиб туюлмаслиги, яна бошқаларга «утопия»дек кўриниши мумкин.

Коррупцияга барҳам бериш учун ислохотни ҳар ким ўзидан, ўз-ўзини янгилашдан бошлаш керак. Айниқса, юқори давлат органлари вакиллари. Токи суд, адлия, ички ишлар, прокуратура, давлат хавфсизлик хизмати, солиқ, божхона — ҳуллас, халқ адолат излаб борадиган ҳар қайси эшикда одиллик тарозиси беҳато ишласин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида қайд этилганидек, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи экан, халқ давлат бошқарувидаги шаффофликка шубҳа қилмасин. Ана ўшанда хоҳ сиёсатчи, хоҳ таржимон, хоҳ шифокор, хоҳ фермер бўлишни истаган болалар оилада, таълимда, кўча-кўйда бир сўз билан айтганда — ҳамма ерда алолатни кўриб, унга ишониб воёга етади. Ана ўшанда ҳар амалида тўғрилиқни маҳкам тутадиган авлодлар қатлами жамиятда ишлай бошлайди. Адолат ва одиллик ўрнатилган жойда эса ўз-ўзидан коррупция тугайди, унга қарши курашга ҳожат ҳам қолмайди.

Ёлингизда бўлсин, «Чақмоқ қанча баландда чақнамасин, эгри бўлгани учун, албатта, ернинг қаърига борур. Шамки, тўғри, алиилар — қуйса ҳам бошдан оёқ нур бўлиб куюр». Сиз қай бирини танлайсиз: чақмоқдек баландликни ёки шам каби тўғрилиқни?

Наргиза ЮНУСОВА

Жараён

Фидойилик, эътироф ва юксак рағбат

Олмалиқ шахридаги «Дельфин» аквапаркида «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» томонидан тайёрланган, ишлаб чиқариш жараёнини акс эттирувчи экспонатлар, моделлар ва макетлар кўргазмаси намоиш этилди. Сабаби бу йил «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти 70 ёшга тўлди.



ЎзА олган сурат.

Шу муносабат билан байрам тadbирлари давом этмоқда. Кўргазма доирасида мазкур хибонда комбинатнинг 70 йиллиги учун махсус тайёрланган дошқозонда Ўзбекистон ошпазлар уюшмасининг моҳир ошпазлари томонидан 5 тонналик ош дамланди. Миллий таом — ош комбинат меҳнат аҳли, Олмалиқ шаҳри аҳолиси, тadbир меҳмонлари ҳамда Болалар ўйларига тарқатилди.


Шонли сана муносабати билан ташкил этилган байрам тadbирлари давомида йиғилганларга «Олмалиқ КМК» АЖ тарих музейига саёҳат уюштирилди. Шунингдек, ўзига хос ошпазлик шоуси комбинат спорт мажмуасида ўзбек эстрадаси юлдузлари иштирокидаги концерт дастурига уланиб кетди.

Даврон АҲМАД,
«Жамият» мухбири



«UzAuto Motors» компанияси расмий дилерлари «Chevrolet Malibu» бизнес-класс седанининг янги қўшимча LTZ комплектацияси учун буюртмалар қабул қилишни бошлади.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим ҳудудларда ер ости сувларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан қайд этилди.



Қайд этилишича, Нурота, Қўшработ ҳамда Зомин туманлари доирасида жойлашган конлар ҳудудида ер ости сув ресурсларининг кўп ҳолларда ўзбошимчлик билан олиниши натижасида ер ости сувлари сатҳининг пасайиши ва захираларининг камайиши кузатилмакда. Қарорга мувофиқ, 2019 йил 1 ноябрдан 2021 йил 31 декабргача бўлган даврда ана шу ҳудудларда жойлашган


Сув исрофи ҳам увол

Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларида 1 ноябрдан ер остидан сув олиш бўйича янги тартиб ўрнатилади

конлар атрофидан сув олиш учун қудуқларни қозишга рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан берилди. Бу ишлар фақат шу кезгача аҳолини ичимлик суви билан таъминлаб келаётган қудуқлардан мустасно тарзда амалга оширилади.

Шунингдек, ҳудудий ривожлантириш дастурлари ва сувдан оқилона фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда тегишли туманлар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда ҳам рухсатнома берилди.

— Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси мазкур туманлар доирасидаги ер ости сувларининг сатҳи ва сифати бўйича давлат мониторингини кучайтиради ҳамда мониторинг натижаларига қўра, келгусида ушбу ресурсларни олиниши чеклаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида 2019 йил охирига қадар Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифлар киритади, — дейди Давлат геология қўмитасининг рухсатномалар бериш бўлими бошлиғи Н.Пўлатов. — Шунинг баробарида ушбу туманлар ҳудудида 2020 йилдан бошлаб сувни кам талаб



қиладиган экинларни экиш ва етиштиришга, шунингдек, ерларни сўғоришда сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланишга босқичма-босқич ўтиш механизми жорий этилади.

Рухсатнома бериш тизими тўлиқ Давлат геология қўмитаси таркибидagi рухсатномалар бериш бўлими орқали бажарилади. Бу, ўз навбатида, рухсатнома олиш учун топширилган ҳужжатларни ўз вақтида қўриб чиқиш, тезкорлик билан ҳудудий гидрогеология ташкилотларидан хулосалар олиш, уларни ўз вақтида топширишни тезлаштиради. Энг асосийси, ер ости сувларига қудуқларни бургулашга рухсатнома бериш ҳисобини аниқ юритиш

имконини беради.

Бу эса Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 августда 672-сон қарори билан тасдиқланган ер ости сувларига қудуқларни бургулаш учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишининг маъмурий регламенти — «Электрон ҳукумат» тизимини янада тақомиллаштиради.

Айрим ҳудудларда ер ости сувларидан оқилона фойдаланиш ва уларнинг захиралари камайишининг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тасдиқланди. Бунинг учун ташкилотлар раҳбарлари масъул ижрочилар зиммасига кўрсатилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли

бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юкланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда Нурота, Қўшработ ҳамда Зомин туманлари доирасида қудуқларни ноқонуний бургулашга ва ер ости сувлари олинишига йўл қўймаслик бўйича назоратни кучайтиради.

Маъмуржон ҚИЁМОВ

«Чап чўнтаги» ни ўйлаганлар

Унутманг, солиқларни ўз вақтида тўлагани тadbиркорнинг тўла-тўқис қонуний фаолият юритаётганини ифода этмайди. Андижон вилояти давлат солиқ бошқармаси томонидан ўтказилган хронометраж тadbирлари давомида бу яна бир бор ўз исботини топди.

Андижон шаҳридаги «E.L.G» (мақоладаги жой номлари ўзгартирилган) МЧЖга қарашли чойхона ходимларининг қўли-қўлига тегмайди. Доимо мижозлар билан гавжум. Бироқ, негадир, савдодан тушадиган маблағининг чўғи кам. Кунига 1 миллион 700 минг сўм атрофида пул топширарди, холос. Давлат солиқ хизмати

ходимлари қўздан кечириш тadbирини ўтказган кунни эса ўртача кунлик тушум 4 миллион 500 минг сўмдан ошиб кетди. Шунингдек, чойхонанинг 3 кишига конверт усулида маош бериб келаётгани аниқланиб, расмийлаштирилди.

Андижон шаҳридаги яна бир чойхонанинг хизмат кўрсатиши ҳам кўпчиликка ман-

зур. Номин бутун водийга танилган. Андижонга келган борки, албатта, шу чойхона ошани емасдан ортита қайтмайди. Бироқ «X.O.N» МЧЖга қарашли ушбу умумий овқатланиш шохобчаси ҳам банкка пул топширишга келганда, «хасислик» қилади. Мижозлари кўп бўлишига қарамай, тушумини 2 миллион 576 минг сўм кўрсатган. Tadbir ўтказилган кунлари ўртача тушум аввалгиларга нисбатан қарийб, 5 миллион 860 минг сўмни ташкил қилди.

Шундоққина Андижон Хонобод катта магистраль йўлининг четига Хужабод туманида жойлашган яна бир умумий овқатла-

ниш шохобчаси ҳам кунлик савдо тушумини кам кўрсатган. «Бир кунда бор-йўғи 472 минг сўмлик савдонини амалга оширамыз», дея ўзларини бечораҳол кўрсатишга уринди. Доимо мижозлар билан банд чойхонада тушум бундай бўлишига ҳеч ким ишонмаслигини аниқ. Аниқланишича, чойхонага бир кунда ўртача 1 миллион 8 минг сўмга яқин маблағ тушар экан.

«Д.Б» МЧЖга қарашли шаҳардаги чойхона эгаси эса фаолият юритаётган бўлса-да, умуман пул топширмаётганини «Мижозни ўргатолмаямиз, шекилли. Тушум йўқ», дея изоҳлади. Карвон кўп, ризқи бўлак» деганларидай, у ҳам ўз мижозларига эгалити аён бўл-

ди. Кунлик тушуми ҳам чаккимас: 1 миллион сўмдан ортқ.

Солиқ тўлашдан қочиб, «чап чўнтаги»ни ўйлаганларнинг «хунарлари» барибир ошқор бўлади. Халқимизда «Инсоф сари барака», деган ҳикматли гап бор. Нақд пулни яширмай, тушумлари қанча бўлса, бари-рини рўй-рост, аниқ кўрсатиб, иш юритган тadbиркорнинг топганига барака қиради.

Андижон вилояти давлат солиқ бошқармаси матбуот хизмати.

Жамоатчилик назорати



ЖАМИЯТ
Муассислар:
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти.
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини

қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди.
Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экологик ҳаракати.
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Тахрир хайъати:
Рустам Комилов
Рустам Қосимов
Борий Алихон
Акмал Саидов
Шавкат Жавлонов

Газета тахририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1014 Адади: 1402.
Жума кунини чиқари.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ, Баҳоси қилинган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.
ISSN 2010-7722

Навбатчи: Нуриддин Убайдуллаев

Дизайнер: Беғали Эшонкулов


100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта: jamiyat@mail.uz
Газета индекси — 131
*ЖАМИЯТ*дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
УЗА яқини:
Топширилган вақти: 19.35
1 2 3 4 5 6





Навоий вилоятида юрак хасталигига чалинган ёшларни даволашга қаратилган «Меҳрибон юрак» хайрия акцияси бўлиб ўтди.



«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ



соҳада фаолият олиб бораётган барча фидойиларни
 корхонанинг 70 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этади.
 Машаққатли фаолиятингизда улкан зафарлар ва
 муваффақиятлар тилайди.



Жаҳон банкининг «Doing business» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон «Бизнесни рўйхатдан ўтказиш» кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати ичида 8-ўринни эгаллади.